

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАБИЕВА МУНИРА ҲАМРОҚУЛОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕЛГИ АНГЛАТУВЧИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИ,
СТРУКТУРАСИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Philological sciences**

Набиева Мунира Ҳамроқуловна

Ўзбек тилида белги англатувчи терминлар тизими, структураси ва
лексикографик талқини..... 5

Nabiyeva Munira Hamroqulovna

Structure, composition and lexical designation of terms denoting a sign in the
uzbek language 25

Набиева Мунира Ҳамроқуловна

Структура, состав и лексическое обозначение терминов, обозначающих
знак в узбекском языке 45

Эълон қилнган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 49

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ғи.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАБИЕВА МУНИРА ҲАМРОҚУЛОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕЛГИ АНГЛАТУВЧИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИ,
СТРУКТУРАСИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мануси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №Н2018.1.PhD/ГН414 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Қарши давлат университети Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qardu.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Собиров Абдулхай Шукрович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмаранмова Шохиста Тухташевна
филология фанлари доктори, доцент
Зокиров Мухторали Турдалиевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химоysi Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.ҒИ.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "10" сентябр ~~10~~ лаги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кучаси 17). (Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети бинноси, 301-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кучаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "30" сентябр куни тарқатилди
(2021 йил "30" сентябр лаги ___ рақамли реестр баённомаси).



Н.Н.Шодмопов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Г.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
филол.ф.д. (PhD)

Х.Жабборов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ижтимоий тафаккур билан илмий тафаккурнинг имконий мутаносиблигига эришиш, умумистеъмол лексика билан терминосистема орасидаги қатъий чегарани кучсизлантириш, терминологик маънонинг лексикографик талқинга эътибор қўйиш. Фан соҳаларининг ривожланиши, янги фан тармок ва йўналишларининг вужудга келиши, шубҳасиз, мавжуд терминлар системасининг такомиллашуви, янги терминларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Терминларнинг терминосистемадаги янги талқин йўналишларини шакллантириш ва ривожлантириш, терминосистеманинг умумистеъмол лексика ривожига таъсирини ўрганиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида XXI асрга келиб тил лексик тизими таркибини ташкил этувчи микротизимлардан бири бўлган терминлар терминларнинг семантик кўлами, грамматик таркиби, терминосистеманинг умумистеъмол лексика ривожига таъсирини ўрганиш долзарб вазифага айланди. Терминларнинг моҳиятини нафақат соҳа мутахассислари учун очиб бериш, балки қўплад махсус соҳаларнинг кишилар турмуш тарзи билан алоқа ва боғланишларини кучайтириш, терминларнинг ижтимоий онгда ўрнашини мутасил равишда юксалтириб бориш, ижтимоий тафаккур билан илмий тафаккурнинг имконий мутаносиблигига эришиш тилшунослик олдида турган долзарб вазифалардан бўлиб турибди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар терминология соҳасига ҳам илмий эътиборнинг кучайтирилишини тақозо қилмоқда. Вужудга келган ижтимоий зарурат ўзбек тили терминологияси, ҳар бир соҳа терминлари юзасидан чуқур илмий изланиш ва тадқиқотлар амалга оширилишини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Давлат тили бўлган ўзбек тилини ривожлантириш, тил сиёсатини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган кенг ислохотлар самараси ўлароқ, “илмий асосланган янги сўз ва атамаларни мунтазам равишда расмий муомалага киритиб бориш, давлат тилининг барча фан термокларига оид илмий тадқиқотларда илм-фан тили сифатида нуфузини ошириш, замонавий атамаларнинг ўзбеккона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга”¹ қаратилган илмий-амалий тадқиқотларга эътибор қўйиш. Терминология илмий нутқнинг ядроси бўлишдан ташқари, сўзлашув нутқининг ҳам асосига айланди, илмий терминомухит ва амалий терминомухит муносабати жадаллашди. Фанлар интеграцияси жадаллашган бугунги шароитда белги англатувчи терминларнинг соҳавий таснифи, семантик-структур, грамматик хусусиятларини аниқлаш ва лексикографик талқин қилиш, белги ифодаловчи терминларга ҳаққоний лингвистик баҳо бериш

¹ Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>

кечиктириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади. Ўзбек терминосистемасида кенг истеъмолда бўлган белги ифодаловчи терминлар, уларнинг семантик-структур, деривацион-морфологик, вариативлик-полифункционаллик хусусиятлари ва лексикографик талқини масалалари махсус тадқиқ қилинмагани танланган мавзунинг зарурати ва долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан-технологиялар ҳамда инновацион ривожланишининг. I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида терминология масалаларига доир кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Улар сирасига Т.Д.Абрамова, О.С.Ахманова, А.А.Брагина, Р.А.Будагов, В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, А.С.Герд, С.В.Гринёв, В.П.Даниленко, Л.А.Капаназе, Р.Ю.Кобрин, Б.Н.Головин, К.А.Левковская, В.М.Лейчик, Д.С.Лотте² ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбек терминологияси тараққиётида С.Акобиров, С.Иброхимов, Т.Турсунова, М.Асомутдинова, Н.Бақоева, М.Абдиев, Н.Ҳатамов, Н.Маҳкамов, О.Рамазонов, Н.Икромова, А.Собиров, И.Пардаева ва бошқаларнинг ишларида сўзларнинг терминологик тизимдаги моҳияти, Н.Маматов, Ҳ.Дадабоев, И.Йулдошев, Р.Дониёров, Ҳ.Жамолхонов,

² Абрамова Т. Д. Современные проблемы терминологии: Русский язык. // Филологические этюды. 2001. Вып. 4. – С. 268-270; Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – М.: Учпедгиз, 1957. – 296 с.; Брагина А.А. Значение и отгетки значения в термине. – М.: Наука, 1981. – С. 3747; Будагов Р.А. История слов в истории общества. 1971; 2-е изд., доп. – М.: Добросвет, 2004. – 256 с.; Виноградов В.В. Терминология и норма. – М.: Высшая школа, 1972. – 95 с.; Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии. Сборник статей по языковедению. – М.: Литгера, 1939. – С. 3-54; Герд А.С. Значение термина и научное знание // Научно-техническая информатика. Сер. 2. 1991. – № 10. – С. 1-4; Гринев С.В. Введение в терминоведение. – М.: Московский лицей, 1993. – 309 с.; Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.: Наука, 1977. – 245 с.; Капаназе Л.А. О понятиях «термин» и «терминология» // Развитие лексики современного русского языка – М.: Наука, 1965. – С. 75-85; Кобрин Р.Ю. Опыт лингвистического анализа терминологии: Автореф. дис. ... канд. филолог. наук. – Горький, 1969. – 27 с.; Левковская К.А. Теория слова, принципы ее построения и аспекты изучения лексического материала. – М.: Высшая школа, 1962. – 296 с.; Лейчик В. М. Проблемы отечественного терминоведения в конце XX века // Вопросы филологии. 2000. – № 2. – С. 20-30.; Галавин Б. Н. Лингвистические основы учения о терминах. – М.: Высшая школа, 1987. – 104 с.; Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминоэлементов. – М.: Наука, 1982. – 149 с.

А.Мадвалиев, Д.Бозороваларнинг³ ишлари муҳим роль ўйнайди.

Сунги йилларда бажарилган ишлар, хусусан, Р.Шукуров, Қ.Сапаев, А.Турахўжаева, Х.Норхўжаева, Т.Валиев, Г.Тожиева, Н.Жалилова, Р.Шаропова, М.Мухаммадалиева⁴ ва бошқаларнинг тадқиқотларида терминология муаммолари давр ва ижтимоий эҳтиёж талабларидан келиб чиқиб атрофлича ёритилган бўлса-да, ўзбек тили лексик сатҳида салмоқли ўринга эга бўлган белги ифодаловчи терминлар, уларнинг лисоний тизимдаги ўрнига доир масалалар тилшуносларимиз диққатини тортмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тили бирликларининг функционал прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспекти)” мавзуси (2017-2021) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг максдад белги англатувчи терминларнинг лисоний тизимдаги ўрни, формал-структур, грамматик хусусиятлари, семантик кўлами ва лексикографик талқинини ёритишдан иборат.

³ Акабиров С.Ф. Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – 24 с.; Ибрэхимов С. Ўзбек тилининг соҳавий лексикаси. – Тошкент, 1956, 1959; Турсунова Т. Ўзбек тили амалий санъат лексикаси. – Тошкент: Фан, 1978; Асомулдинова М. Названия одежды и ее частей в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Бакаева Н.Дж. Терминология золотощвейного производства Бухары и Гиждувана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971; Икрамова Н. Узбекская кулинария лексика: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Сабиров А.Ш. Термины узбекских народных зрелищ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1988; Пардаева И. Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1994; Маматов Н. Узбекская хлопководческая терминология: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1955; Джамапханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968; Данияров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1988; Базарова Д.Х. Семантика наименований частей и производных от них тюркских языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992; Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986; Юлдашов И.Ж. Библиотечно-библиографическая терминология узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987 ва б.; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тўплам. – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – 384 б.

⁴ Шукуров Р. Терминлар синонимияси хусусида. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: Республика терминологияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 32-34; Сапаев Қ. Қурилиш терминологиясидаги синонимия масаласига доир. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 37-39; Турахўжаева А.Х. Муस्ताқиллик шароитида ўзбек тили иктымий-сийсий лексикасининг тараққиёти: Филол. фан. номзоди... дисс. – Тошкент, 2012. – 136 б. Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа д-ри... дисс. – Тошкент, 2017. – 131 б. Валиев Т.К. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талқини: филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... автореф. – Самарканд, 2018. – 42 б.; Тожиева Г.Н. Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг муस्ताқиллик йилларидаги тараққиёти (“миллий ғоя” атов бирликлари тизими): филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... автореф. – Самарканд, 2018. – Б. 44; Жалилова Н.Р. Бадий матндаги кен-қаришдошлик терминларининг типологик ва структурал-грамматик таъсифи: филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Самарканд, 2019. – 144 б.; Шаропова Р.Ж. Ўзбек тили иктымий-сийсий терминларининг семантик-структур хусусиятлари ва лексикографик талқини: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Қарши, 2019. – 141 б.; Мухаммадалиева М.Н. Ўзбек тилидаги касб-хунар номларининг лексик-семантик ва деривацион хусусиятлари: филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Фарғона, 2021. – 137 б.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилшунослигида белги англатувчи терминларнинг терминосистемадаги ўрнини аниқлаш;

белги англатувчи терминларнинг формал-структур ва грамматик хусусиятларини очиб бериш;

белги англатувчи терминларнинг соҳавий таснифини бериш;

белги англатувчи терминларнинг семантик қўламини аниқлаш, уларда қўпмаънолилик, маънодошлик, шаклдошлик каби лексик-семантик муносабатларни ойдинлаштириш;

белги англатувчи терминларда терминологик маъно ва унинг замонавий лексикографик талқини масалаларини ёритиш;

ижтимоий ҳаёт ва фан тармоқларига оид тадқиқотларда илмий асосланган янги сўз ва атамаларнинг мунтазам равишда расмий муомалага киритиб бориш, замонавий ўзлашма терминларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш ва ягона график шаклини таъминлашга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тили терминологик тизимидаги белги англатувчи терминлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини белги англатувчи терминларнинг семантик-структур, деривацион-морфологик, вариативлик-маънодошлик, омонимлик жиҳатлари, уларни тартибга солиш механизмлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда компонент таҳлил, диструбутив, дифференциал, функционал-семантик таҳлил, қиёсий-тарихий, тавсифий ва структур-семантик моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

белги англатувчи терминларнинг лисоний тизимда алоҳида микросистема сифатида мавжудлиги, “сифат туркумига мансублик” фарқловчи, “терминосистемага мансублик” бирлаштирувчи белгиси билан характерланиши асосланган;

белги англатувчи терминларнинг формал-структур типлари, деривацион ва грамматик хусусиятлари очиб берилган;

белги англатувчи терминларнинг соҳавий гуруҳлари аниқланган ва уларнинг таснифий белгилари аниқланган;

белги англатувчи терминларнинг семантик қўлами, уларда қўпмаънолилик, маънодошлик, шаклдошлик каби лексик-семантик муносабатларнинг мавжудлиги ёритилган;

белги англатувчи терминларда терминологик маъно ва унинг замонавий лексикографик талқини, терминологик лакуна муаммолари ойдинлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

белги англатувчи терминлар ва уларнинг лексикографик талқинига доир хулосалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, терминология соҳасини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши, соҳага доир дарслик ва қўлланмалар, терминологик луғатларнинг такомиллашувига хизмат қилиши асосланган;

соҳавий лексика бўйича турли луғатлар тузиш, мавжуд терминологик луғатларни такомиллаштириш, уларда белги англатувчи терминларни

лексикографик талкин қилиш ҳамда луғат тузиш жараёни билан боғлиқ муаммолар ечимига хизмат қилиши далилланган;

Ўзбек тили белги англлатувчи терминлари луғатни тузиш тамойиллари ишлаб чиқилган ва шу асосда белги англлатувчи терминлар луғати нашрга тайёрланган, мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари учун терминологик луғатлар тузишда зарур манба бўла олиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳдигла тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам бериши, уларнинг асосли экани, методологик мукамаллиги, қўлланилган ёндашув, усуллар ва илмий-назарий хулосалар амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ўзбек тилшунослигида терминологик муаммоларни тадқиқ қилиш, ўзбек тили терминлар системасига доир бошқа соҳа терминларини ҳам ушбу йўсинда кенг ва апрофлича тадқиқ қилиш учун манба бўлиб хизмат қилиши билан назарий аҳамият касб этади.

Ишнинг амалий аҳамияти бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанининг “Лексикология” ва “Лексикография” бўлимлари, “Лексикография асослари”, “Ўзбек терминологияси ва лексикографияси”, “Амалий тилшунослик”, “Корпус лингвистикаси” фанларидан дарслик ва қўлланилган, терминологик луғатларни яратиш, шунингдек, мамлакатимизда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни мунтазам равишда расмий муомалага киритиб бориш, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланилишини таъминлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбек тили белги англлатувчи терминлар тизими, уларнинг структурал тузиши ва лексикографик талқини масалларини ёритиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

белги англлатувчи терминларнинг лисоний тизимда алоҳида микросистема сифатида мавжудлиги, терминларга кўпмаънолилиқ, полүфункционаллик ҳодисалари таҳлили бўйича эришилган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г003 “Ҳозирги Қарақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 15.10.2021.даги 17.01/276-сонли маълумотномаси). Натижада белги англлатувчи терминларнинг лисоний тизимда алоҳида микротизим сифатида мавжудлиги, тизим ичидаги муносабатларига доир маълумотлар билан билан бойганбелги англлатувчи терминларнинг формал-структур типлари, деривацион ва грамматик хусусиятлари, соҳавий гуруҳларини аниқлаш ҳамда таснифий хусусиятларини очиб бериш билан боғлиқ илмий хулосалардан “Ўзбек тилининг белги англлатувчи терминлар луғати” (ISBN 978-9943-7375-6-3)ни нашрга тайёрлашда фойдаланилган. Натижада

илмий-амалий, таълимий характерга эга белги анлатуви терминларнинг комплекс лугатини тузишга эришилган;

белги англлатувчи терминларда терминологик маъно ва унинг замонавий лексикографик талкини, семантик кўлами, уларда купмаънолилик, маънодошлик, шаклдошлик каби лексик-семантик муносабатлар изоҳига доир назарий ва амалий тавсиялардан “Ўзбек тилининг белги англлатувчи терминлар лугати” (ISBN 978-9943-7375-6-3) номли терминологик ўқув лугатни нашрга тайёрлашда фойдаланилган. Натижада терминологик лугатда куп маъноли, шаклдош, маънодош белги англлатувчи терминларни лексикографик талкин қилиш муаммоларининг амалий ечимига эришилган;

ижтимоий ҳаёт ва фан тармоқларига оид тадқиқотларда илмий асосланган янги сўз ва атамаларнинг мунтазам равишда расмий муомалага киритиб бориш, замонавий ўзлашма терминларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш ва ягона график шаклини белгилаш, давлат тилининг илм-фан тили сифатида нуфузини ошириш хусусидаги илмий хулосалардан Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси адабий-бадиий, маънавий-маърифий дастурлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё телерадиокомпаниясининг 2021 йил 27 сентябрдаги 814-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари асосида давлат тилининг барча фан тармоқларига оид илмий тадқиқотлар ва ижтимоий фаолиятда илм-фан тили сифатида нуфузини ошириш ҳақидаги тағрибот ишлари мазмуни мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот хулосалари ва натижалари 4 та халқаро, 5 та республика анжуманида илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та лугат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини эълон қилиш тавсия қилинган нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг ҳажми 132 саҳифа – кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “Ўзбек тилшунослигида сўз ва термин муносабати муаммоси ҳамда илмий тафаккурда предмет ва белги

муносабати” деб номланади. Бобнинг “Сўз” ва “термин” тушунчалари талқини: муаммо ва вазифалар” деб номланган бандида терминологиянинг мамлакат таракқиёти билан боғлиқ равишда доимий ўзгаришда бўлиши ва мунтазам ўрганиш, тартибга солишни талаб этиши, муайян тилда терминларнинг назоратсиз қолиши илм-фан, тил таракқиётига жиддий таъсир этиши. илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш, ўзбек тилига кириб келаётган янги атамаларни қонун ҳужжатларига жорий этиш ва амалда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш кечиктириб бўлмас вазифалардан экани асосланади.

Термин (лот. *terminus* – чегара, ҳад) илм ёки фаолиятнинг махсус соҳасига оид тушунчаларни ифодалашга ихтисослашган лексемалар ёки терминологик тизимдаги лексик лақуналарни тўлдиришга хизмат қилувчи, моҳиятан бир тушунчани ифодалашга хосланган сўз бирикмалари бўлиб, тил лексик тизимида махсус ўрин эгаллайди. Бироқ шунга айтиб ўтиш керакки, терминларнинг сўздан фарқли жиҳатларини ажратиш имконияти ниҳоятда торлиги, айрим махсус соҳалар кишиларнинг турмуш тарзи билан чамбарчас боғланиб кетгани ва бу соҳа терминларининг барчаси улар нутқида ҳам кенг қўлланиши, терминларнинг сунъий тил ҳодисалари, аксарияти айрим шахслар ижоди маҳсули экани, муттасил равишда умумистеъмол сўзлари терминларга, терминлар эса умумистеъмол сўзларига айланиб бориши, улар орасидаги чегаранинг дахлсизланиб туриши ва бошқа омиллар нафақат ўзбек тилшунослиги, ҳатто жаҳон тилшунослигида ҳам ҳозирги кунга қадар “термин” тушунчаси талқини бўйича ягона ва тулик илмий концепциянинг йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Сўнги йилларда дунё тилшунослигида В.П.Даниленконинг терминологияга доир тадқиқотлари шу соҳада амалга оширилаётган ишлар учун катта методологик аҳамият касб этмоқда. У ўтган асрда яратилган терминологик тадқиқотларни чуқур ўрганиб, “термин” тушунчасига берилган ўндан ортиқ таърифни алоҳида-алоҳида таҳлил қилади, уларга танқидий муносабат билдиради. Таҳлиллар натижасида “термин” тушунчасига алоқадор барча фикрлар махсус лексика тадқиқи бўйича олиб борилган ишларнинг арзимас бир қисмини ташкил қилади, деган хулосага келади³.

Терминларнинг таърифларидаги асосий чалкашликлар соф илмий терминлар ҳамда касб-хунар атамалари талқинлари орасида кечади. Ҳолбуки, касб-хунар терминлари аслида соф терминологик тизим билан умумистеъмол терминларини ўзаро боғлаб турувчи, бу сирада “оралиқ учинчи” мақомига эга бўлган ҳодисалардир. Ана шу оралиқ тизим тилнинг ички сатҳлари ўртасидаги узвий алоқадорликни, умуман олганда, тил лексик сатҳининг яхлит системавийлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Лингвистиканинг терминология соҳасидаги асосий вазифаларидан бири – терминларнинг моҳиятини нафақат соҳа мутахассислари учун очиб бериш, балки қўлаб махсус соҳаларнинг кишилар турмуш тарзи билан алоқа ва

³Даниленко, В.А. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.: Наука, 1977. – С. 83-86.

боғланишларини кучайтириш, терминларнинг ижтимоий онгда ўрнашшини муттасил равишда юксалтириб боришдан ҳам иборат.

Замонавий ҳаётни аслида терминлар қўлланадиган терминомухит дейиш мумкин. Терминомухит эса терминсистема билан иш қўради. Шу маънода тилшунос В.М.Лейчикнинг куйидаги фикри эътиборли: “терминология ҳозирги даврда адабий тилнинг функционал ранг-баранглиги, илим-фан тили лексиканинг семантик ядросини ташкил этишини эътироф этишда марказий ўринни эгаллайди”⁶. Терминология илмий нутқнинг ядроси бўлишдан ташқари, сўзлашув нутқининг ҳам асосига айланиб бормоқда.

Терминсистемада термин деганда, асосан, атовчи – от лексемаларни тушуниш одатга айланган. Терминологияда от терминларга устуворлик берилиши, бошқа туркум терминлар, масалан, сифат, феъл терминларга эътибор қилинмаслиги тилшунослигимизда унинг ўтмишидаги мантикий ақидаларнинг сақланиб қолганлиги билан белгиланади⁷.

Бобнинг иккинчи банди “Терминларда “предмет” ва “белги” маънолари” деб номланади. Маълумки, борликда фақат предметлар мавжуд. Ҳаракат, миқдор, белги кабилар атрибутлари, хусусиятлари сифатида уларга “ёпишган” ҳолда мавжуд бўлади. Онг эса уларни шундайига акс эттирмайди ва бунга муносабатда ўзининг фаоллигини, бунёдкорлигини намоён этади. Тил предметларни ҳам, белгиларни ҳам умумлаштиради. Терминнинг бошқа лексемалар билан муштарак белгилари жуда кўп бўлиб, моҳият эътибори билан улардан фарқланмайди. Бу бирикмалар тил тараққиёти нағижасида яхлитланиб, таркибидаги ташкил этувчи сўзлар орасидаги ҳоким-тобелик муносабати “сўниб”, тугал шаклланиб, синхроник жиҳатдан бўлинмас ҳолга айланиб бораверади. Лексемалар терминлашиб, терминлар эса умумистеъмол лексемага айланиб туради.

Қўлланиш доирасининг торлиги, бир маънолилиги, ҳис-туйғуни ифодаламаслиги, илмий услубга хосланганлиги каби белгилар терминнинг бош, умумий, моҳиятни ташкил эгадиган хоссаларидир. Аммо бу муштарак белги фақат терминологик тизимгагина эмас, умумистеъмол лексик тизимдаги кўплаб лексемаларга ҳам хос. Қолаверса, умумистеъмол лексика ва терминларни фарқловчи асосий омиллардан бири сифатида қаралиб келган бир маънолилик хусусияти бугунги кунда лингвистик архаизмга айланиб бормоқда.

Тил лексик тизимидаги лексемалар куйидагича таснифланади: 1) термин сифатида қўлланмайдиган лексемалар; 2) ҳам умумистеъмол лексема, ҳам термин сифатида қўлланадиган лексемалар; 3) фақат термин сифатида қўлланадиган лексемалар.

Маълумки, белги ва предмет маъноси лексемаларда ажралган ёки қоришган ҳолатда мавжуд бўлади. Айрим лексемалар фақат предметни

⁶ Лейчик, В.М. Исходные понятия, основные положения, определения современного терминоведения и терминографии // Вестник Харьковского политехнического университета. Т. 19. – Харьков, 1994. – С. 80.

⁷ Усатый И.Б. Структурно-грамматические особенности составных терминов-названий частей речи // Электронный научный журнал «Вестник Омского государственного педагогического университета», 2007. <http://www.omsk.edu/-article/vestnik-omgpu-2007.pdf>

ифодаласа, айримлари факат белгини кўрсатади, баъзиларида эса ҳар икки белги муштарак ҳолда яккол кўзга ташланиб туради. Масалан, ҳам умумистеъмол лексема, ҳам термин сифатида қўллана оладиган *бемор* сўзининг семантик структурасига эътибор қаратайлик:

БЕМОР [ф. – *касал*] 1 Организмининг одатдаги бирор ҳолати бузилган; касал, хаста. *Бемор бола. Бемор тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келар. Мақол. Бир кечаси бемор жуда азоб тортди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Бемор она бошини қизчаси силаб қўйса, оғриқлар барҳам топади. “Саодат”.*

2 *кўчма* Севги, муҳаббат дардини, ошиқлик ҳолатини ифодалайди. *Хар ким беёрдир – бемордир. Мақол. Дарди фироқинг айлади бемор, Қайда борайин эмди давога. Машраб. Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз, Ўғай булсак, не тонг, соғлар орасида. А.Орипов.*

3 *кўчма* Касалланган, нимжон, ўсишдан қолган. *Сувсизликдан бемор гўзалар гулини тўка бошлади*⁸.

Кўринадики, терминологик маъно умумистеъмол лексеманинг серқирра моҳиятидан ажралиб чиққан семантик мавжудлик бўлиб, бунда, *биринчидан*, терминологик маъно асл семантик моҳиятдан буткул узилмайди, *иккинчидан*, ўзида предметлик / белгилик / миқдорлик / жараёнлилик / муносабатлилик моҳиятларидан бирини ёки бир нечтасини қоришиқ ҳолда ифодалайди.

Бобнинг “Терминларнинг формал-грамматик хусусиятлари ҳақида” деб номланган учинчи бўлимда терминларнинг морфологик-деривацион таркиби, синтактик қурилиши масалалари хусусида сўз боради. Ўзбек тилига ўзлашаётган ва бунда, қўп ҳолларда, калькалаштирилаётган терминларнинг структур хусусиятлари сирасида уларнинг таркиби масаласи амалиётда қўлланиши билан боғлиқ равишда катор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғати ва бошқа терминологик луғатлардаги мингта терминни кузатганимизда, формал-структур жihatдан шундай натижа қўлга киритилди:

- бир узвли терминлар – 17 фоиз
- икки узвли терминлар – 50 фоиз
- уч узвли терминлар – 26 фоиз
- тўрт узвли терминлар – 5 фоиз
- беш узвли терминлар – 2 фоиз

Терминосистемада қўллаб бирикмали – синтактик ва синтагматик терминлар мавжуд бўлса-да, изоҳли луғатларда асосан сўз-терминлар, терминологик луғатларда эса бирикмали терминлар ҳам берилaveraди. Бу эса изоҳли ва терминологик луғатларнинг сўз танлаш тамойиллари фарк қилишидан далолат берадики, у ҳам эътиборли изланишларни ва илимий асослашларни такозо этади.

Терминларни шаклий (формал) структурасига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: а) бир сўздан иборат мустақил терминлар: *лексема, сўз, морфема*; б) қўп узвли терминларнинг ихчамлашуви натижасида пайдо

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилди. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 227.

булган бир узвли терминлар: *бирикма* (сўз бирикмаси), *қайнатма* (наъматак қайнатмаси); в) кўп компонентли терминларнинг қисқартирилиши натижасида шакланган аббревиатив терминлар: (*МКҒ* (мураккаб қўшма гап), *СГ* (согда гап), *СБ* (сўз бирикмаси)).

Таъкидлаш лозимки, терминсоферада кўп узвли ҳамда уларнинг ихчамлашган ёхуд қисқарган кўринишлари оғзаки ва ёзма нутқ ёхуд бир нутқ турининг ўзида, шунингдек, норасмий ва расмий нутқ кўринишларида учраса, демак, бундай терминларни дублет терминлар сифатида баҳолаш лозим. Зеро, улар бир тушунчани ифодалаб, турли торайган ва кенгайган кўринишларда намоён бўлади. Терминосистемадаги дублет ёки вариативлик деб аталувчи бундай ходисалар ана шу хусусияти билан умумистеъмол лексикадан кескин фаркланади. Бу, *биринчидан*, аксар кўп компонентли терминлар камистеъмол ва тугал ижтимоийлашмаганлиги сабабли бир таркибли вариантлари уларнинг ўрнини ҳали буткул эгалламагани, *иккинчидан*, терминларнинг келиб чиқиши сунъийлиги билан характерланади.

Ўзбек тилидаги терминларнинг грамматик хусусиятларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) терминларнинг морфологик хусусиятлари; 2) терминларнинг синтактик хусусиятлари. Терминларнинг морфологик хусусиятлари сифатида уларнинг сўзлар грамматик разрядлари, бўлинишлари (туркумлари)га муносабати назарда тутилади.

Морфологик жиҳатдан терминларнинг куйидаги гуруҳлари фарқланиди: предмет-тушунча ифодаловчи – **от терминлар**; ҳаракат-ҳолат ифодаловчи **фёъл терминлар**; белги ифодаловчи – **сифат (сифатдош)**, **равиш** терминлар. Синтактик жиҳатдан тахлилга бирикмали терминлар тортилади. Улар йиғик бирикмали терминлар ва кенгайган бирикмали терминлардир.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбек тили терминосистемасида белги англаувчи терминлар” деб номланади. Бобнинг “Белги англаувчи терминларнинг умумлисоний хусусиятлари” деб номланган биринчи бўлимида умумистеъмол лексикада бўлгани каби терминлар ҳам нафақат нарса-предмет, балки белги-хусусият, миқдор-даража, ҳаракат-ҳолатни ҳам англантиши, белги ифодаловчи терминлар туркум жиҳатидан сифат, сифатдош, равиш, равишдошларга мансуб бўлиб, семантик ва формал структураси, кўлами, қўлланиши жиҳатидан ўзига хос мавқе ва мақомга эғалиг, ижтимоий ҳаётда белги терминлари, хусусан, сифат терминларнинг кенг истеъмолда эканлиги уларни алоҳида ўрганишни тақозо этиши асосланади.

Терминологияда белги англаувчи атамалар салмоқли миқдорга эға бўлса-да, улар ҳар доим ҳам алоҳида эътиборни тортавермаган. Бунинг бир нечта сабаби бор: 1) белгини англаувчи терминлар миқдоран предметни англаувчи терминларга нисбатан кам сонли; 2) белгини англаувчи терминлар предметни англаувчи терминлар билан композитив муносабатда бўлиб келиш ҳоллари кўпроқ учрайди; 3) “белги” тушунчаси “предмет” тушунчаси билан боғлиқ ҳолда идрок этилганлиги учун асосий эътибор “предмет” тушунчасига қаратилади ва ҳар икки турдаги термин аниқловчи+аниқланмиш

муносабатда бўлиб келиб, тилда мураккаб ном, ифода (“дескрипция”)ни ҳосил қилади; 4) апеллатив матнларда қўп ҳолларда аниқловчи ва аниқланмиш яхлит олинганлиги сабабли бу ҳам белги англатувчи терминларга муносабатда стереотип вазифасини бажаради ва ҳ.

Терминсистемада белги билдирувчи терминлар йирик планда ўрганиб чиқилмаган бўлсада, бироқ тилшунос олим Х.Дадабоев сифат туркумига оид терминлар ҳақида қимматли илмий асослар келради. “Маълумки, от сўз туркумига хос лексик бирликларнинг термин тарзида қўлланиши бўйича сўз туркумлари каторида етакчиликка эгаллиги ҳеч ким учун ангиллик эмас. Шу билан бирга, илм-фан тилида (яъни мавжуд илмий адабиётда қўлланган) махсус тушунчаларни ифодалайдиган ҳамда терминологик номларга доир барча талабларга жабоб берадиган терминлар ўрнида ҳам феъл (феълдан ясалган бир ўзакли исмлар), ҳам сифат, ҳам равишларнинг эркин ишлатилиши мумкинлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади”⁹.

Атамаларга кўйиладиган “аниқлик”, “тизишлилик”, “ҳиссий бетарафлик” каби хусусиятлар нуктан назаридан қараладиган белги терминлари бир қарашда номустақил қўлланувчанлиги билан характерланди ва шу жиҳатдан бошқа грамматик туркумлардан алоҳида ажралиб туради. Сўнгги йилларда ўзбек тили соҳавий лексикасида “белги” ва “ҳаракат” семалари қоришган сифатдош терминлар қўлайиб бораётгани кузатилади. Сифатдошнинг ўзига хос гибрид табиати – бир пайтда ҳам ҳаракат, ҳам белги, ҳам предмет, тушунча (оглашган сифатдошларда) ифодалаш – ҳаракатни атрибутив белгига айлантириш ва уни отга (қисман феълга) боғлаш белгисига эгаллиги терминлашиши учун ниҳоятда кучли имконият ҳисобланади. Масалан, ўзбек тилининг замонавий банк, молия терминсистемасида *аффилиланган* термини бугунги кунда анча кенг истеъмолда бўлиб, юридик ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг фаолиятига таъсир ўтказишга қодир бўлган жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан ишлатилади: *банкнинг аффилиланган шахслари, аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тартиби*. Ўзбек тилида мавжуд изоҳли ёки терминологик луғатларда мазкур термин учрамайди. Машҳур Википедия эркин энциклопедиясида у қуйидагича изоҳланган:

Аффилированное лицо – физическое или юридическое лицо, способное оказывать влияние на деятельность юридических и / или физических лиц, осуществляющих предпринимательскую деятельность¹⁰.

Белги англатувчи терминларнинг қўлланишида икки ҳолатни алоҳида эътиборга олиш керак:

1) белги англатувчи терминнинг термин бўлган бирлик билан қўлланиши: *Баллистик ракета қанотли ракетадан аэродинамик кўтариш кучи ҳосил қилувчи сиртининг йўқлиги билан фаркланади* (“ЎЗМЭ”).

2) белги англатувчи терминнинг термин бўлмаган бирлик билан қўлланиши: *Айтиш мумкинки, бу воқеа хавfli қуролланиш пойгасига*

⁹ Дадабоев Х.А. Ўзбек терминологияси. Ўқув қўламама. – Тошкент, 2019. – Б. 71.

¹⁰ https://ru.wikipedia.org/wiki/Аффилированное_лицо.

туртки бериб, нафақат минтақавий, балки яна глобал оқибатларга олиб келиши мумкин (Газетадан).

Биринчи туркум мисолларда *баллистик* термини *ракета*, *аэродинамик* термини *қутариш кучи*, *бальнеологик* термини *реакция*, *барометрик* термини *босим*, *беллетристик* термини *жанр* терминлари билан қўлланган бўлса, иккинчи гуруҳда *аграр*, *аллергологик*, *диалогик*, *геоморфологик*, *гидротехник*, *глобал* сўзлари *сўёсат*, *текишириш*, *нутқ*, *хусусият*, *ишлар*, *оқибат* умумистеъмол сўзлари билан бирга қўлланган – уларга аниқловчи бўлиб келган.

Белгини англаувчи термин умумистеъмол (апеллятив) тил бирлиги билан қўлланганда, асосий эътибор кўп ҳолларда терминга қаратилганлиги сабабли у махсус мантикий урғу билан қўлланади ва шу жиҳати билан аниқланмиш мавқеида келаётган сўздан мантиқан устуворлик касб этади.

Белгини англаувчи терминларнинг грамматик ўзига хосликларидан бири гарчи улар тўла маънода сифат мавқеида бўлса-да, нисбий бўлиб, даражаланмаслиги билан характерланади.

Белги билдирувчи терминлар аксарининг нисбийлиги бир неча омил билан белгиланади: 1) бу сирага кирувчи терминларнинг кўпи ўзлашма терминлар бўлиб, европа тилларидан олинганлари ҳам талайдир; 2) терминлардаги семантик аниқлик уларнинг даражаланмаслигини такозо этади.

Умумистеъмол лексиканинг терминлашуви унинг кўп маънолилиги ёки ҳосила маъно касб этиши билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Шу боисдан бирор тилга бутунлай ўзлашган терминлар ва шу тилнинг ўзида вужудга келган терминларнинг аксарияти кўп маънолидир. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да *сиртқи* сўзи қуйидагича изоҳланган:

СИРТҚИ 1. Нарса ёки кимсанинг ташқи, устки томонига оид; сиртидаги, ташқи. *Бинонинг ички ва сиртқи томони. Сиртқи кўришиш.*

2. Сиртқи дори ичга ютиб ёки ичиб истеъмол қилинмайдиган дориларнинг умумий номи (мас, кўзга томизиладиган, ярага суртиладиган ва ш.к. дорилар).

3. Ўқув юртига қатнамай ўқишга доир. Сиртқи ўқиш. Сиртқи таълим. Институтнинг сиртқи бўлими. *Ваҳобжон ўтган йилнинг августида сиртқи институтга имтиҳон топширгани Тошкентга тушган эди. С.Аҳмад, Тоғ афсонаси*¹¹.

Белги англаувчи терминларнинг шаклий ва деривацион қурилишига кўра икки гуруҳи фарқланади: 1) содда терминлар: *аграр*, *адабий*, *араби*, *арабча*, *ақлий*, *баҳори*, *воқеан*, *глобал*, *деворий*; 2) таркибли (мураккаб) терминлар.

Таркибли белги англаувчи терминлар кўп ҳолларда предметни англаувчи терминлар билан композитив муносабатда бўлади ва “белги” тушунчаси “предмет” тушунчаси билан боғлиқ ҳолда келганлиги учун асосий эътибор “предмет” тушунчасига қаратилади. Одатда, мураккаб таркибли

¹¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 525.

белги англатувчи терминларда сифатловчи+сифатланмиш (*дипломатик корпус, диакритик белги*), изоҳловчи+изоҳланмиш (*авторемонт ишхонаси*) муносабати кузатилади ва тилда мураккаб ном (дескрипция) юзага келади. Мазкур терминлар кўп ҳолларда бирикмали ҳолда олингани сабабли белги англатувчи термин от-термин соясида қолиб кетади.

Белги англатувчи таркибли терминлар структурал жиҳатдан хилма-хил бўлиб, унинг куйидаги қолипларини ажратиш мумкин:

сифат + от: *баллистик ракета, сферик тригонометрия, барометрик босим, диалогик нутқ, интеллектуал салоҳият, маъмурий жазо, интисомий жазо, полимер иситкич, табиий тугруқ, қаттиқ танглай, юқори жағлар, қалқонсимон без, мафкуравий бўшлиқ, террористик акт;*

терминоэлемент – сифат + от: *термоэлектрик ҳодиса, физиотерапевтик усул, электротехник sanoат, биофизик тадқиқот, геокимёвий жараёнлар, геофизик омиллар, макроқтисодий зона;*

сифат+сифат + от: *жиноий-процессуал кодекс, маданий-маиший ҳаёт, тарихий-этимологик тамойил, диний экстремистик таъшилот;*

сифатдош + от: *аффилиланган шахс, уюшган жинойят, уюштирилган кўпоровчилик, уюшмаган ёшлар, бириктирувчи туқима;*

равиш + от (ҳаракат номи): *кесарча кесиш, эрта тугруқ.*

Белги англатувчи терминлар куйидаги икки семаси билан характерланади:

1) “сифат туркумига мансублик”; 2) “терминосистемага мансублик”. “Сифат туркумига мансублик” семаси белги англатувчи терминларни терминосистемадаги бошқа (предмет, ҳаракат, миқдор) англатувчи терминлардан фарқловчи белги бўлса, “терминосистемага мансублик” семаси улар билан бирлаштирувчи белги ҳисобланади. Шу билан бирга, “терминосистемага мансублик” семаси белги англатувчи терминларнинг сифат туркумидаги бошқа турдаги лексемалардан фарқловчи белги бўлса, “сифат туркумига мансублик” уни сифат туркумидаги бошқ тип лексемалар билан бирлаштирувчи белги вазифасини ўтайди.

Белги англатувчи термин терминологик тизимда ўзига хос ўринга эга бўлар экан, у мансуб тизим термин учун ташки система ҳисобланади¹². Умуман олганда, ҳар қандай термин ўзи мансуб системанинг бирлиги сифатида унга ташки систем муносабатда бўлади. Системанинг ички муносабатлари тизими эса ушбу система учунгина ички система сифатида қаралади. Бобнинг “Белги англатувчи терминларнинг соҳавий таснифи” деб номланган бандида белги англатувчи терминларнинг мавзувий таснифи ишлаб чиқилади. Шу нуқтаи назардан улар:

фундаментал аниқ фанлар ва улардан вужудга келган амалий фанларда қўлланилган “белги” семали терминлар: *арифметик, архитектоник,*

¹²Солнцев В.М. О понятии уровня языковой системы // Вопросы языкознания, 1972, – № 3, – С. 3. Куляев А.В. Фразеологический уровень языка // Уровни языка и их взаимодействие. – М., 1967. – С. 90. Сувонова Н.З. Фразеологичнинг систем-сатҳ бирлиги сифатидаги талқини (француз тили материалда): филол.фан.номз. дисс. ...авторэф – Тошкент, 2008. – Б. 15-16.

астрономик, баллистик, вентиляцияон, галактик, геометрик, метрик, термик, фазовий, физик, энергетик, ядровий;

табий фанларда қўлланадиган “белги” семали терминлар: *аллергологик, генетик, гигиеник, гинекологик, жинсий, жисмоний, ирсий, клиник, наслий, стоматологик, субтропик, таносил, эпидемиологик;*

ижтимоий фанлар “жамиятга хос” белгиси билан характерланувчи терминлар: *адабий, ақлий, ахлоқий, бадий, грамматик, дидактик, драматик, дунёвий, жиноий-процессуал, илоҳий, криминалистик, лексик, маданий-маиший, социал-демократик, терминологик, экологик, юридик;*

соха ичида ёки сохаларо оралик вазиятни эгаллайдиган муштарак терминлар: *барометрик (геология+физика) биокимёвий (биология+кимё), биофизик (биология+физика), геокимёвий (геология+кимё), геофизик (аник фанлар, табий фанлар), глобал (барча фан сохалари), информацияон (аник фанлар, ижтимоий фанлар), марказий (барча фан сохалари), маҳаллий (табий фанлар, ижтимоий фанлар), методик (барча фан сохалари), морфологик (табий фанлар, ижтимоий фанлар), эволюцион(барча фан сохалари), экспериментал(барча фан сохалари).*

Диссертациянинг учинчи боби “Белги англатувчи терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари ҳамда лексикографик талқини” деб аталади. Ушбу бобда белги англатувчи терминларнинг семантик қўлами, полисемантик, синоним, омоним терминлар ва уларнинг лексикографик талқини хусусида баҳс юритилади.

